

Хеч кимга сир эмаски айни дамда жамиятимиз ривожланиши билан инсонлар томонидан танаввул қилинадиган маҳсулотларга бўлган талаблар ҳам анча ошган. Истеъмол қилинаётган озиқ-овқат сифати, тури, миқдори, ўз вақтида ва маълум бир меъёردа овқатланиш, инсон ҳаётига таъсир кўрсатувчи муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Бинобарин, шундай экан у инсон иш қобилиятига, ҳаёт сифати ва давомийлигига сезиларли таъсир кўрсатади.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан имзоланган ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган қатор қарор ва фармонлар, жумладан, “Рационал овқатланиш, нон ва нон маҳсулотларини тежамкорлик билан истеъмол қилиш тўғрисида” (1995); “Ўзбекистон Республикасида соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастури тўғрисида” (1998); “Соғлиқни сақлаш тизимида ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш Давлат дастурини амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисида” (2007); “Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида” (Ўзбекистон Республикаси Қонуни, 2007); “Оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш ва соғлом авлод шаклланишида қўшимча чора – тадбирлар тўғрисида”ги (2009) каби халқимиз саломатлигини янада яхшилашга қаратилган ҳужжатларда белгиланганлиги, ушбу масаланинг нақадар муҳим эканлигидан далолат беради.

Шуни инобатга олиш зарурки, озиқ-овқатларнинг сифати, таркиби, табиийлиги билан бир қаторда мусулмон халқи учун муҳим жиҳатларда бири бўлган бу ушбу товарларнинг ҳалоллигидир.

Албатта мўмин мусулмон одам ўзи танаввул қиладиган озуқанинг ҳалол пок бўлишига эътибор бериши, бунинг учун ҳаракат қилиши фарздир, вожибдир. Бу энг катта исломий хусусиятлардан бири бўлади. Чунки харом нарсалар кишининг соғлиғига, табиати ва яна кўпгина нарсаларга катта зарар етказди. Шунинг учун ҳар бир инсон таомни тановвул қилишдан олдин ҳалолми яъни фойдалими ёки харомми яъни зарарлими эканлигини аниқлаб олиш керак.

Ҳалол тушунчасига чуқурроқ назар ташлайдиган бўлсак, араб тилидан таржима қилинганда “ҳалол” сўзи “руҳсат берилган” деган луғавий маънони англатади. Яъни белгиланган сифат ҳамда энг муҳими ислом қонун-қоидалари бўйича руҳсат берилган деб талқин қилиниши мумкин.

Бунда бу тушунчани нафақат ислом дини қонун қоидалари билан, балки анча кенг маънода тушуниш лозим.

Ҳар қандай маҳсулот тайёрланишида аввалом бор уни тайёрланиш муҳитига ҳам эътибор бериш лозим. Бунда бизнинг давлатда Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидимиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати талабларига қай даражада риоя этилганлиги бўйича хулосалар мавжуд бўлиши лозим.

Маҳсулот тайёрланиш муҳити билан шарт-шароитларига нисбата ижобий хулоса билан бир қаторда, ушбу маҳсулот тайёрланишида қатнашаётган фуқаролар ҳақида ҳам маълумот олиш лозим.

Шу билан бир қаторда тайёрланаётган маҳсулотлар таркибида қандай моддалар мавжудлиги ва энг асосийси қандай ҳайвон гўшти ишлатилганлигини назорат қилиш лозим.

Маҳсулотлар таркибидаги моддалар мураккаб кимёвий тадқиқотлар орқали аниқланса, гўшт турини аниқлаш учун эса замонавий молекуляргенетик тадқиқотларни ўтказиш тақозо қилади.

Маълумки гўшт ва гўшт маҳсулотлари исломий қоидаларга кўра қуйидаги ҳолатларда харом тоифасига киритилади:

- “Ўлик гўшт” тоифасига кирувчи ҳайвонларнинг гўшти сўйишдан олдин ўлган, касаллик ёки қариликдан вафот етган ёки заҳарланган ёки электр токи билан заҳарланган;
- сўйилгандан сўнг ҳайвоннинг мушакларида қон қолдиқлари мавжуд бўлса;
- ҳаром, шунингдек, чўчка, ит, эшак, хачир каби ҳайвонларнинг таркибий қисмлари ёки гўшти, шунингдек, йирткичларнинг гўшти ва таркибий қисмларига – нафақат ҳайвонларга, балки қушларга ҳам қўлланилади;
- озиқ-овқатда фойдаланиш учун ҳаром ҳайвонларнинг жинсий аъзоларига, уларнинг ички секрециясига, гўшт ёки балиқ маҳсулотларининг чириш белгиларига эга бўлган таркибий қисмларига қўлланилади;
- рухсат этилган ҳайвонларнинг гўшти, агар улар нотўғри сўйилган бўлса.

Ушбу барча текширувлар асосида ижобий натижаларни олгандан сўнг, Ислом дини томонидан мусулмонлар учун тақиқланган таркибий қисмлар мавжуд ёки йўқлиги аниқланади ва хулоса қилинади.

Шу ўринда бугунги кунда гўшт маҳсулотларини ҳалоллигини аниқлаш ва сертификатлашда истеъмолчиларга ҳалол товар ва хизматларни оқилона танлашга ёрдам бериш, мусулмон истеъмолчиларни ҳалол бўлмаган маҳсулотларни сотиб олиш хавфидан ҳимоя қилиш ҳамда товар ва хизматлар ҳақидаги маълумотларни ҳалоллигини тасдиқлаш учун илмий асосланган замонавий услубиётлардан фойдаланиш муҳим ўрин тутди.

Бугунги кунда истеъмол товарларига ҳалоллик сертификатларини бериш анча кенгайган. Бундай текшириш ёки сертификатлаш тартиби истеъмолчиларга ҳалол товарлар ва хизматларни малакали танлашда ёрдам бериш, мусулмон истеъмолчиларни ишлаб чиқарувчининг талабларига жавоб бермайдиган маҳсулотни сотиб олиш хавфидан ҳимоя қилиш ва товарлар ва хизматлар мусулмон стандартларига мос келишини тасдиқлаш учун амалга оширилади. Ҳалол сертификатлаш ҳам тадбиркорлар ва ташкилотлар тўлақонли фаолияти учун бозорда зарур шарт-шароитлар яратиш мақсадида амалга оширилади.

Бундай сертификатни олган ишлаб чиқарувчи ёки ишлаб чиқарувчи ҳалол белгиси билан белгиланган маҳсулотларда Ислом дини томонидан мусулмонлар учун тақиқланган таркибий қисмлар мавжуд эмаслиги, Исломнинг барча қонунларига риоя қилганлиги тўғрисида сертификат олади.

Шуни таъкидлаш лозимки, ҳалол сертификатига эга товарларига нафақат мусулмонлар, балки бошқа дин вакилларининг ҳам талаблари ошиб бормоқда, чунки сертификат ва тадқиқот белгиси мавжудлиги маҳсулотлар қўшимча назоратдан ўтганлигини ва уларни ишлаб чиқаришга юқори экологик ва хавфсизлик талаблари қўйилганлигини кўрсатади.

Албатта ҳалоллик сертификатини олиш ихтиёрий жараён бўлиб, у ишлаб чиқарувчилар, сотувчиларнинг ўзлари ташаббуси билан амалга оширилиши мумкин, улар сертификат олиш орқали уларнинг хизматлари ёки товарлари Диний қўмита талабларида тавсифланган Исломий талабларга жавоб беришини тасдиқлашни хоҳлашади.

Ҳалоллик сертификатини олиш оддий жараён, аммо ҳалол ёки Ислом аҳкомлари асосида ишлаб чиқаришни ўйлаётган ишлаб чиқарувчи бир қатор муаммоларга дуч келиши мумкинлигини билиши керак. Ҳалол сертификатига эга маҳсулотлар билан ишлайдиган барча корхоналар ёки яқка тартибдаги тадбиркорлар мусулмон мутахассислари томонидан жуда жиддий, мунтазам ва қатъий назорат қилинади ва меъёрлардан ҳар қандай оғиш учун ҳалол сертификати бекор қилиниши мумкин ва бу обрўсига жиддий таъсир кўрсатади. Яъни ушбу корхона ёки тадбиркор озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича

Ислоннинг барча меъёрлари, қоидалари ва анъаналарига риоя қилиши лозим. Юқорида айтилганидек бунга маҳсулотларни ишлаб чиқариш учун қайта ишлашдаги техник қоидалар, ҳайвонлар сақланадиган бинолар уларнинг тозалиги учун ортиб бораётган талабларга жавоб бериши керак ҳамда ушбу маҳсулотларнинг одам соғлиғига зарар бермайдиган қўшимчалар билан бойтишига эътибор бермоғи лозим.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Х. Сулаймонова номидаги Республика суд экспертиза марказининг Суд экспертлик илмий-тадқиқот институти ходимлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита ва Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидимиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати билан ҳамкорликда “Гўшт ва сут маҳсулотларининг ҳалоллигини аниқлаш” мавзусида тадқиқотлар олиб бормоқда. Яқин вақтлар ичида Х. Сулаймонова номидаги Республика суд экспертиза марказида ушбу тур бўйича тадқиқотлар ўтказишнинг услубий асослари ишлаб чиқилади.

Натижада юридик ҳамда жисмоний шахсларнинг мурожаатларига асосан “Гўшт ва сут маҳсулотларининг ҳалоллигини аниқлаш” бўйича мутахассислик фикрлари бериш йўлга қўйилади. Бу орқали фуқароларимизнинг ушбу соҳадаги мурожаатлари ижобий ҳал қилинишга эришилади.